

Расулulloҳнинг ҳаётларидан лавҳалар (18-қисм)



16:31 / 13.10.2017 5808

ТАВБА

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْلِحُوا تَعْلَمُوا وَأَتُوا بَاتِنًا رَافِعَةً لِّسَانِكُمْ

“Албатта, Мен тавба қилган, иймон келтирган ва яхши амал қилган, сўнгра тўғри юрганларни кўплаб мағфират қилгувчиман”. (Тоҳо, 82)

Тавба – банда ўзлигини англаб, қилган гуноҳларига надомат чекиб, келгуси ҳаётида яна шундай ҳолатга дучор бўлиб қолса ҳам, ўша гуноҳни такрорламасликка чин дилдан азм қилишидур. Шундагина банда ҳақиқатан Аллоҳга тавба қилган ва Унинг розилиги йўлига юрган саналади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло кечаси гуноҳ қилган бандалари тавба қилишлари учун кун бўйи илтифот қилади. Кундузи гуноҳ қилган бандалари тавба қилишлари учун кечаси билан илтифот қилади.

Тавба икки хил бўлади:

- биринчиси меҳрибон ва шафқатли Аллоҳ таоло томонидан бўлади. Бу - Аллоҳнинг бандаларига марҳамати ва банданинг тавбасини қабул қилиши;
- иккинчиси банда томонидан бўлади. Бу - гуноҳдан қайтиш ва истиғфор айтиб гуноҳи кечирилишидан умидвор бўлиш.

Пок Парвардигорнинг раҳмати ҳар бир нарсани ўз ичига олгусидур. Унинг раҳмати кенгдур. Гуноҳдан қайтишни ирода қилган ҳар бир гуноҳкор осий бандага етиб борур. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тавба қилиб истиғфор айтган бандасидан Ўз раҳматини дариф тутмагай. Шунинг учун мен тавбанинг фазилат қанчалар буюк, тавба қилган бандага тавба қилгани учун Правардигори томонидан марҳамат қилинадиган мукофотлари қанчалар улуғлиги бизларга далил бўлсин деб бу бобда қиссалардан бир қанчасини тақдим қилдим.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳадиси қудсийда айтади:

“Эй одам боласи! Мен сени ўз қудратим билан яратдим, неъматим ила тарбия қилдим. Сен эса менга хилоф қилдинг ва осийлик қилдинг. Агар Менга қайтсанг, Мен сенинг тавбангни қабул қиламан. Мен шунчалик кечиримли ва меҳрибондурман, сен Менга ўхшаган тангрини қаёқдан топа оласан?!”

Зониянинг тавбаси

Жуҳайнадан бўлган бир аёл Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

Мен жазолашга лойиқ иш қилиб қўйдим. Уни менга қўллашингизни сўрайман, – деди.

У зинодан ҳомиладор бўлиб қолган эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уни токи туққунга қадар чиройли парваришлаш учун валийсига топширдилар. Қачон туғиб, нифосдан пок бўлиб, эмизишларни адо қилганидан сўнг тошбўрон қилдирдилар. Унинг жанозасини ўқимоқчи бўлган эдилар, Умар розияллоҳу анҳу ажабланиб сўради:

Эй Аллоҳнинг расули! У зинокор бўлса ҳам, жанозасини ўқийверасизми?

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жавоб бердилар:

У шундай тавба қилдики, унинг тавбасини Мадина аҳлидан етмиштасига тақсимлаб берсам, ортиб қолур. Қандай қилиб жанозасини ўқимайин, ҳолбуки, у ўз жонини Аллоҳ йўлида қурбон қилган бўлса!?

Каъб ибн Моликнинг тавбаси

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳобини Табук ғазотидан шаръий узрсиз қолган кимсалар билан гаплашишни тақиқлаб қўйдилар.

Улар Каъб ибн Молик, Мирора ибн Рабиъ ва Ҳилол ибн Умайя эди.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади:

“Одамлар биздан қочар, муносабатлари ўзгариб қолган эди. Ҳатто ер ҳам, бошқа нарсалар ҳам мендан ўзини олиб қочаётгандек эди. Бу ҳолат эллик кеча давом этди. Иккала шерикларим эса уйларида чикмай йиғлаб ўтирар эдилар. Мен қавмнинг ёшроғи ва бардошлироғи эдим. Шунинг учун мен чиқиб намозни мусулмонлар билан бирга ўқир ва бозор айланиб юрар эдим. Ҳеч ким мен билан гаплашмас эди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намоздан кейинги мажлисларига бориб салом берар эдим. Ўзимча “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг саломимга жавоб қайтариш учун лабларини қимирлатдилармикин ё йўқми”, – дер эдим. Сўнг у зотга яқин бўлиб намоз ўқиб, яширинча назар солиб қўяр эдим. Қачон намозимга юзлансам, менга юзланар, у зот томонга қарасам, юз ўгириб олар эдилар.

Шу ҳолатда одамларнинг мендан алоқа узишлари чўзилиб кетди. Шунда мен бориб амакимнинг ўғли, мен учун инсонларнинг энг суюклиси бўлган Абу Қатоданинг деворидан тирмашиб тушиб унга салом бердим. Аллоҳга қасамки, у ҳам менга жавоб қайтармади. Мен унга:

Эй Абу Қатода, сендан Аллоҳнинг номи ила сўрайман. Сен менинг Аллоҳни ва расулини яхши кўришимни биласанми? – дедим.

У сукут қилди. Иккинчи бор яна Аллоҳнинг номи билан сўрадим. Яна сукут қилди. Учинчи бор ҳам Аллоҳнинг номи билан сўраган эдим:

Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ, – деди. Шунда икки кўзим ёшга тўлиб, девордан тирмашиб орқамга қайтиб кетдим.

Эллик кечадан сўнг уйимизнинг тепасида бомдод намозини ўқиётган эдим, Аллоҳ зикр қилгандек ҳолимда юрагим сиқилиб, ер кенг бўлишига қарамай, торайиб кетгандек бўлиб турган бир пайтда ногаҳон бир кишининг Сал тепалигига чиқиб олиб баланд овози билан:

Эй Каъб ибн Молик! Суюнч хабари! – деган овозини эшитиб қолдим.

Хурсандчилик соати келганини билиб, саждага йиқилдим. Инсонларнинг энг билгувчироғи – Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бомдод намози вақтида Аллоҳ бизларнинг тавбамизни қабул этганини эълон қилибдилар. Одамлар мен ва икки биродаримга хурсандчилик хабарини

беришга шошилишибди. Бир киши менинг олдимга от минган ҳолда чопиб келди. Яна бир киши Аслам қабиласидан пиёда келди. Бу киши тоғ ошиб келиб баланд овоз ила башорат берди. Унинг овози отдан ҳам тезроқ эди. Устимдаги икки кийимимни ечиб менинг ҳузуримга хушxabар олиб келиб бақирган кишига суюнчи учун кийгизиб қўйдим. Аллоҳга қасамки, ўша кунда шу икки кийимимдан бошқасига эга эмас эдим.

Энди мен икки кийимни қарзга олиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жўнадим. Одамлар йўлда тавба қабул бўлгани билан мени табриклашарди. Улар менга: “Аллоҳ таоло тавбангни қабул қилгани билан табриклаймиз!” – дейишар эди.

Масжидга кирсам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам атрофларида одамлар билан ўтирган эканлар. Шунда Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу ўрнидан турди-да, мен томон югуриб, мен билан қўл бериб сўрашиб табриклади. Аллоҳга қасамки, муҳожирлардан Талҳа розияллоҳу анҳудан бошқа бирор киши турмади. Шунинг учун уни ҳаргиз унутмайман.

Сўнг Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга салом бердим. У зот хурсанд бўлганларидан юзлари ярқираб:

Онанг сени тукқанидан бери ўтган кунларнинг энг яхшисининг хурсандлик хабарини бераман! – дедилар.

Эй Аллоҳнинг расули, бу Сиз тарафингизданми ёки Аллоҳ томониданми? – сўрадим. У зот саллоллоҳу алайҳи васаллам:

Йўқ, бу Аллоҳ томонидан, – дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлсалар, юзлари гуёки ойнанинг парчасига ўхшаб нурланиб кетар эди. Биз буни шундан билиб олар эдик.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ушбу оятни тиловат қилдилар:

تَقَاظَوْ وَتَبُّحَرَامُ بَضْرَالْمُهَيْلَعِ تَقَاظَوْ إِذِى تَحْ أَوْفَلْخَ نِي دَلَّ لَ شَالِ لَ اِى لَعَو
نِ اِ اُوبُ وُتَي لَ مَهَيْلَعِ بَاتٌ مُثَ هَيْلِ اِ لَ لَ نِمَ اَجَلَمَ اِ نَ اُ وُظَوُ مَهْ سَفَنَ اِ مَهَيْلَعِ
مُ حَرَلِ اِ بَا وُتَ لَ اِ وُهَ لَ لَ اِ

“Ва ортда қолган уч кишига ҳам. Уларга кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб, Аллоҳдан қочиб, ўзгага бориб бўлмаслигига ишонганларидан сўнг тавба қилишлари учун тавба эшиги очилди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир”.

(Тавба, 118)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида ўтириб:

Эй Аллоҳнинг расули, мен бу тавбамнинг қабул этилгани учун барча молларимни Аллоҳ ва расули йўлига садақа қиламан, дедим. У зот:

Молингнинг баъзисини ўзинг учун олиб қўй. Шу сен учун яхши бўлади, – дедилар. Мен:

Ундай бўлса Хайбардаги улушимни олиб қоламан, – дедим”.

Абу Суфённинг кечирилиши

Абу Суфён ибн Ҳорис Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччаси ва эмикдош биродари эди. Уни ҳам Ҳалимаи Саъдия розияллоҳу анҳо эмизган эди. Ёшлигидан Расулуллоҳнинг ўртоғи бўлган. Аммо пайғамбар бўлгач, у зотга ҳеч кимга қилмаган душманликлар қилди. Расулуллоҳни ва саҳобаларини ҳажв қилар эди.

Шу залда 20 йил давомида Расулуллоҳга душманлик қилиб мусулмонларни ҳажв қилди. Қурайш қабиласи Расулуллоҳга қарши жанг қилиши учун чиққан ўринларнинг бирортасидан ҳам қолмади.

Кейин эса Аллоҳ таоло унинг кўнглини Исломга мойил қилди. Ҳолбуки, унинг қонини тўкиш ҳалол қилинган эди.

Абвода Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга рўпара келди. Абу Суфён айтади: “Менга кўзлари тушиши билан мендан юзларини ўгириб олдилар. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Расулуллоҳ мендан юз ўгирганини кўриб, мусулмонларнинг ҳаммалари юз ўгирдилар.

Ансорлардан бирор кишини ўртага солиши умидида Умарга қарадим. У эса “Эй Аллоҳнинг душмани! Сен эмасми Расулуллоҳга ва асҳобларига озор берган! Душманлигинг машриқу мағрибни тўлдирди-ку!” – деди.

Сўнгра Аббоснинг олдига кириб: “Эй амаки, мен исломга киришим билан ўз яқинлигим ва ашрафим туфайли Расулуллоҳни хурсанд қиламан деб умид қилган эдим, аммо ўзингиз кўриб тургандек бўлди. Энди ўзингиз гаплашиб мендан рози бўлишга кўндириб беринг”, – дедим.

“Йўқ! Аллоҳга қасамки, шу ҳолатни кўриб туриб у зот билан сен тўғрингда асло гаплашмагайман!”

Али билан гаплашсам, у ҳам ўша гапдан бошқа сўз айтмади.

Бориб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг эшиги олдига ўтириб олдим. Аммо на Расулуллоҳ, на мусулмонлардан бирор киши менга бир оғиз ҳам гапирмадилар. Қаёққа борсалар ҳам, ўғлим Жаъфарни олиб эшигининг олдида ўтиравердим. Бироқ менда фақатгина юз ўғирар эдилар.

Бирга юравердим. Макка фатҳи кунларида ҳам бирга бўлдим. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Абтаҳга тушганларида ёнларига яқин бордим. Бу сафар аввалгидан кўра мулойим назар ташладиларки, ҳатто табассум қилсалар деб умид қилдим.

У зотнинг ҳузурларига бани Абдулмутталибнинг аёллари байъат қилиш учун келганларида менинг хотиним ҳам бирга келди. Унинг исломга кириши менга нисбатан Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгиллари яна ҳам юмшашига сабаб бўлди.

Ҳунайн ғазоти куни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хачирларини тўхтатиб қиличларини яланғочладилар. Мен ҳам қўлимда қилич билан отимдан сакраб тушдим. Аббос хачирнинг жуганининг бир тарафидан, мен иккинчи тарафидан тутдим. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Бу ким?” деб сўрадилар.

Аббос: “Бу сенинг биродаринг, амакингнинг ўғли Абу Суфён ибн Ҳорис. Эй Аллоҳнинг расули! Энди ундан рози бўлиб қўйгин”, – деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Хўп, майли. Менга душманлик учун қилган ҳар бир адоватини Аллоҳ кечирсин!” – дедилар.

Жангда қатнашдим. Мен энди Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам томон ёғилаётган душман найзаларидан асло ҳайиқмас эдим. Қачонки Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни мўлжалга олганларида менга: “Олдинга ўт!” дедилар. Шундай ҳамла қилдимки, душманлар ўз ўринларидан чекинишга мажбур бўлдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ортимдан изма-из келдилар. Уларнинг ҳар бирини бир фарсаҳдан узоқликка улоқтириб юбордимки, натижада ҳар тарафга тум-тарақай бўлиб кетишди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир ҳовуч тупроқ олиб мушриклар томонга: “Шоҳатил вужух” (Юзларинг дабдала бўлсин!)

деб сочиб юбордилар. Сўнгра: “Каъбанинг Роббисига қасамки, хор бўлгайсизлар!” дедилар”.

Шайх Аҳмад Муҳаммад Асофнинг

“Қабасотун мин ҳаётир-Расул” китобидан таржима қилинди.

Шаҳобиддин ПАРПИЕВ

Асака туман бош имом хатиби